



Fidoyilik –  
vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



[www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz) [@zarnews\\_uz](https://www.facebook.com/zarnews.uz) [@zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz)

Самарканд вилояти хокимининг ҚАРОРИ

## Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ эллик еттинчи сессиясини чақириш тұғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимиият тұғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуникинг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарканд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ эллик еттинчи сессияси **2022 йыл 18 февраль күни соат 10:00 да** қақирилсін.

2. Сессия күн тартибиға күйидегі масалалар кирилтисін:

- вилоят ҳокимининг ўринбосары Х.Очиловнинг вилояттада шылар мұаммоларини ўрганиш, уларнинг ҳал этилишига күмаклашиш, ёш авлоднинг иштедеуді ва қобиляттарини ривожлантириш бүйіча күшімча шароитлар яратыш юзасынан амалға оширилган ишлар тұғрисидаги ҳисоботи;

- вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалары бүйіча маслахатчысы С.Жумаевнинң Ўзбекистон Республикасы Президенттің 2021 йыл 5 мартдагы "Хотин-қизларни күллаб-қувватлаш, уларнан жамият қытайдыға фарып шырынкин таъминлаш тизиминде жаңада тақомиллаштырыш чора-табдірләри тұғрисида" – ПҚ-5020-сонлық қарори ижерсінде жасасидан ҳисоботи;

- ахборот технологиялары ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирилігіннен вилоят худудың башшармаси бошлиғы Д.Хұжамбердининг вилояттімізде ахборот технологиялары соҳасында амалға оширилган ишлар, шуннингдегі, ахолининг Интернет тармокларыдан әркін ва тезкорлық билан фойдаланышы оид қонунчылық құжжатлары ижерсінде жасасидан ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикасы Президенттің 2021 йыл 16 июндагы ПФ-6247-сон фармони ижерсінде бүйіча вилояттада оммавий коммуникацияларни башшармаси бошлиғы М.Ибодуллаевнинг вилоят ташкилотлары фоалиятіда очиқынша шаффофиқни таъминлаш юзасынан амалға оширилган ишлар да белгіленадын вазифалар тұғрисидаги ҳисоботи;

- вилоят қурилиш бошшармаси бошлиғы Л.Хамидовнинг тартиби құдудларыда шаҳарсозлық норма ва қоидаларына риоға этилиши ахволы тұғрисидаги ҳисоботи;

- вилоят маҳаллий бюджеттіннен күшімча манбалардан фойдаланыш тұғрисида.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов.

2022 йыл 11 февраль

Вилоят ҳокими Э.Турдимов кече Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтыда профессор-үкітүвчилар ва талабалар билан учурашды.

– Юртимизда қурилиш-бүндейкорлик ишлери күлами күн саин ошиб бормоқда, – деди Э.Турдимов. – Табиғатта, әнг сара, замонавий лойихаларда, қурилиш ташкилоттарында ша мутахассисларға талақ күчаймоктада. Шу пайтагача бу талабни хориж ҳисобига қондиришига, яғни чет әлдаги лойиха институтлары, архитекторларға, әттө қурувчиларға мурожаат қилишга мажбур әдік. Энди ўзимизнинг мутахассисларымыз үша даражага етепті, четда малака ошириб келепті. Олий таълим тизимидеги янгилик ва ўзғарыштар түфайли ўзимизда ҳам замонавий фикрлайдиган ёшлар каталама юзага келди. Ағасусы, улардан, билим ва тажрибасыдан самаралиға фойдалана олмамып. Ҳайкалтарош, архитектор, дизайнер керак бўлса, шу соҳанинг аввалдан маълум бўлган бир-икки кишиларига мурожаат қилишга ўрганиш қолганимиз. Ёшларни эшитмаймиз, уларнинг гоялари билан қизиқмаймиз.

Учарашувда вилоят ҳокими институт иктидорли талабаларининг мунозара клубини ташкил этиши ва әнг яхшиға, ташабbusларни ўрганиб, уларни биргаликда мухокама қилиш заруригини таъқидлади. Шунингдек, бундан бўён вилоят шаҳарсозлик Кенгашининг йигилишларига иктидорли талаба-ёшлар таклиф этилиб, уларнинг фикрлари эшитилади. Институттнинг ўзида ҳам бадий-техник кенгаш ташкил этилади.

Институт ректоры Чидем Туркйилмаз ушбу ташабbusнин күллаб-қувватлаб, клубга Туркиядаги етакчи олий ўқув юртлари профессор-үкітүвчилари ва мутахассислари таклиф этилишини билдири.

## Самдақи

талабаларининг  
мунозара клуби  
ташкил этилади



## ТАЙИНЛОВ



Маматов Раҳмат Тошназарович вилоят ички ишлар башшармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Р.Маматов меҳнат фоалити давомида ички ишлар идораларда маъсъул вазифаларда ишлагандан. Жумладан, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, Хоразм, Фарғона вилоятлари ички ишлар башшармалари бошлиғи бўлган.

Мазкур тайинловга қадар Махалла ва оиласи күллаб-қувватлаш вазири лавозимида ишлаб келаётган эди.

Шу пайтагача вилоят ИИБга раҳбарлик қилиб келган Шавкат Раҳмонов Наманган вилоятини ИИБ бошлиғи этиб тайинланди.

► Президент қарорига кўра

## Чорвачилик хўжаликларига енгилликлар берилади

Президенттимизнинг 2022 йил 8 февралдаги "Чорвачиликни жада ривожлантириш ва ҷорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлар тұғрисида" ги қарорига кўра:

пахта ва ғалла етишируви субъектлар томонидан 2 миллион гектар сурорипадиган ер майдонининг 10 фоизида алмашлаб этиши тайминланади.

Озуқа экин майдонларидаги ёмғирлатиб кутилишибирилган технологияларни жорий этган чорвачилик хўжаликларига, ҳар бир гектар учун 8 миллион сўмдан субсидия ажратилади.

Гидропоника усулида чорва молларига озуқа етишириш ускуналарини ҳарид килиш харахатининг 20 фоизи республика бюджети ҳисобидан коплаб берилади. Бунда, мазкур усукуна кийматининг 100 миллион сўмдан ошмаган кисми копланади.

Тадбиркорлик фоалитини күллаб-қувватлаш давлат жамгармаси ҳисобидан чорвачилик лойихалари учун ажратиладиган 20 миллиард сўмгача кредит фойзлари Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган кисмiga компенсация ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди. Бунда, субсидия кўшилган киймат солигидан озод қилинади.

Тадбиркорлик фоалитини күллаб-қувватлаш давлат жамгармаси ҳисобидан чорвачилик лойихалари учун ажратиладиган 20 миллиард сўмгача кредит фойзлари Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган кисмiga компенсация ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўмдан 400 сўмга оширилди. Бунда, субсидия кўшилган киймат солигидан озод қилинади.

Тадбиркорлик субъектлари хориждан олиб келадиган, ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ошмаган (озуқа экинларини экиш, ийғиши ва тайёрлар) кишилек хўжалиги техникалари, уларнинг бутловчи буюллари ва эхтиёт кисмлари, 2025 йил 1 марта қадар божхона тўловларидан қўшилган киймат солигидан озод қилинади.

2022 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача кўшилган киймат солиги тўловчиси бўлган чорвачилик хўжаликларига (ахоли хонадонлари билан биргаликда кооперация усулида) (гўшт учун) йирик ва майдада шохли қорамоллар берилади.

Борбори ҳафтада ёғингарчиликсиз ўтади

Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик кутилмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

16-17 февраль кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Шамол 7-12 метр секунд тезлиқда сасди. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

18-19 февралда кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 6-13 даража илиқ бўлади.

Вилоятнинг тогли худудларида 18 февралгача қор қўчиш хавфи мавжуд.

Самарқанд гидрометеорология бошшармаси.

## Пенсияга оид қонунчилықда янгилик

Қонунчилықда аёлларнинг пенсияга қишии билан боғлиқ ўзғарыш бўлди, деб эштеди. Ушбу янгилик ҳақида батафсил маълумот берсарз.

Г.РАШИДОВА,  
Иштиҳон тумани.

Амалдаги Мехнат кодексининг 234-моддаси "болани парваришлар таътиллари даврида 5-қисмидаги "болнан парваришлар таътиллари даврида" иш жойи (лавозими) сакланади. Бу таътиллар мөнгөн ҳисобидан таътилларни жасасидан ҳисоботи;

билан 3 йил, шу жумладан, мутахассисларига бўйича иш стажига ҳам кўшилди", дегилган.

Яъни, аёллар бола парваришлар таътилларда бўлганда, бу давр 5 йил бўлладими ёки 10 йилми, кўп билан 3 йил мөнгөн стажига кўшилди.

Якинда бу тартиб ўзғарди. Жорий 9 февралда "Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари кафолатларни жада кучайтириши" мусосабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим хукужатларига ўзғартиш ва кўшимчалар киритиш тұғрисида" ги қонун қабул қилинди.

Қонунинг 2-моддасига асосан Мехнат кодексининг 234-моддаси 5-қисмидаги "3 йил" деган сўзлар "6 йил" тарзда ўзгартырилди. Энди аёлларнинг бола парваришлар таътилларда бўлган даврининг 6 йили мөнгөн стажига ўтади.

Яъни, аёл биринчи фарзанди учун 2, кейингида 6 йилни шунча вақт бола парваришлар таътилларда бўлса, аввалингидек 3 йил эмас, балки тўлиқ 4 йилни ҳам мөнгөн стажига киритилади. Агар кийинчалик яна түргук ва мөнгөн таътилларга чиқадиган бўлса, пенсияга қишида бу даврдан ҳам 2 йил мөнгөн стажига олиш хукуки бўлади.

А.РАҲИМОВ,  
бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси  
вилоят башшармаси бўлум бошлиғи.

## Нима учун автомашинани техник кўрикдан ўтказиш керак?

Вилояттимизда 671 та автокорхонанинг 272 таси якка тартибдаги тадбиркор бўлиб, улар ҳисобида 535 та автобус, 104 та микроавтобус, 7843 та енгил машинадан бар. Йилига 9174 та транспорт воситаси техник кўрикдан ўтказиш тартибини тақомиллаштыришга доир кўшимча чора-тадбирлар тұғрисида" ги қарорига муовফик, 2021 йил 1 сентябрдан янги транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказиласлиги белгилап қўйилган эди. Шунингдек, жисмоний шахсларга тегиши автотранспортларни мажбурий техник

кўрикдан ўтказиш тадбиркорларга юқлатилган бўлиб, ҳаракатланувчи мобил техника низорат линияларидан фойдаланбай келинганди. Шунингдек, уларга Давлат йўл ҳаракати хавфисизлиги хизматининг "Техник кўрик" автоматлаштирилган ахборот тизимига кириш имконияти яратилиди. Ишлаб чиқарилганига 6 йилдан ошган автомобиллар бир йилда бир марта техник кўрикдан ўтказилади. Шу билан бирга, сентябрдан хорижий давлатларга чиқадиган транспорт воситаларидан ташқари барча транспортларга техник кўрикдан ўтгани тұғрисидаги талонларни бериши амалиёти бекор қилинади.

Ж.ҚОРЖОВОВ,  
вилоят транспорт башшармаси  
бошлиғи ўринбосари.

## Таълим сифати педагог салоҳиятига боғлиқ

2021 йил 3 ноябрь куни таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида умумтаълим мусассалари рейтингига бағишиланган матбуот анхумани ўтказилди.

Унда 14 худуддаги 207 та туман (шаҳар)да жойлашган 9622 та мактаб фоалити таъхилиларни асосида 2020 йил якунларни бўйича Қоқалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар) кесимидаги умумтаълим мусассаларини рейтингни ҳамда туман ва шаҳарларнинг таълим сифати бўйича рейтингни эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, мактабларда таълим сифати, соҳада амалга оширилаётган исл





Ўтган ўқув йилидан мактабимиз япон тилига ихтисослашган таълим муассасига айланди. Кўпчилик "нега айнан япон тилига ихтисослашган мактаб ташкил қилинди, бундан кўзланган мақсад нима?" деб сўрайди. Самарқанд туризм шахри, ушбу масканга дунёнинг турли бурчакларидан сайёхлар ташриф буоради. Қолаверса, япон тилида дунёда таҳминан 130 миллион аҳоли сўзлашади. Япония иқтисодиётни мустаҳкам, ривожланган давлат. Ёшларда ҳам у ерда таҳсил олиши, малака оширишга қизиқиш юкори.

## Мактабимиз япон тилига ихтисослашди



5-синф ўқувчилари япон ва испан тилларига ихтисосластирилган синфлар очилиши белгиланганди. Ота-оналар томонидан қизиқиш юкори бўлгач, шу тил бўйича маҳсус синф ташкил килиб, 30 нафар ўқувчи қабул қилиниши режалаштирилди. Давлат тест маркази томонидан 5-синф ўқувчилари ўртасида тест синовлари ўтказилди. Натижада 25 нафар ўқувчи япон тилига ихтисосластирилган синфа ўқиш имконига эга бўлди. Дарвоце, 2020 йилда мактабнинг 62 нафар битирүвчидан 22 нафари маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари ўқишига кирди. 2021 йилда эса 47 нафар битирүвчидан 14 нафари талаба бўлди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-соҳалини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармони хамда соҳага тегишига бошқа хужжатлар ижроси юзасидан мактабимиз ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, АҚШнинг "АКСЕС" дастурининг гранти асосида институт профессор-ўқитувчилари ўзлаштириши суст бўлган 13 нафар ўқувчимизга институтда дарс бериши тизими ўйлга кўйилди.

**Нигора СУЯРОВА,**  
Самарқанд шаҳридаги 8-ИДУМ  
директори.

## “Одамлар дарди билан яшаган дўстим”

2020 йилнинг ёз ойлари эди. Пандемиянинг энг кучайган даври, кўча-кўйда ҳаммада никоб. Тўй ва мъяралар чекланган қишлоқдаги врачилик пунктига бордим. Шифокор ва ҳамширалар ҳам тартиб-интизомга, санитария-гиgiene талабларига амал қилган ҳолда беморларни қабул қилияпти. Хоналарнинг бирида шифокор Жумабой дўстим ҳам ма-соғани сақлашга уринган ҳолда ёрдам сўраб келганларга зарур тавсия беряпти. Эшик олдида турниб салом-алик қилдим.

- Вазият оғир, касаллар сони борган сари кўпаймоқда - деди дўстим қараб. - Эҳтиёт бўлинг, зарурат бўймаса, кўчага чиқмаслик керак. Бошқаларга ҳам тайинлаб кўйинг.

Ағсус, бу учрашув дўстим билан сўнгиси экан. Орадан бир ҳафта ўтгач, Жумабойнинг ўзи ҳам касаллик юқтириб, шифохонада давола-

наётгани ҳақида эшитиб қолдим. Орадан кўп ўтмасдан унинг вафот этгани тўғрисидаги совуқ ҳабар тарқалди.

Жумабой Умматов бундан 65 йил илгари Булунгур туманинаги Чангаль қишлоғида туғиланди. 1974 йилда бўйта мактабни тамомлади. Иккى йиллик ҳарбий хизматни ўтбагчани келгач, Самарқанд давлат тибибёт



институтининг даволаш факультетига ўқишига кирди. Институтни битирган ёш шифокор вилоят болалар шифохонасида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик туман мар-

казий шифохонасида, Ипак йўли, Ниёзмат, Чангаль, Истиқлол ҚБПЛАрида ишлади. У ўз қасбини севарди, беморларни замонавий усуслар орқали даволашга ҳаракат қиласарди.

Жумабой дўхтари 15 йил илгари уч нафар мажалладосини Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги хусусий клиникаларга олиб бориб, даволатли келганини мажалладосари уннугани йўк.

Жумабойнинг уйига нафакат ҳаммажилоқлари, балки қўшини мажалладарлардан "болал касал, кўриб қўйинг", деб сўраб келувчилар кўп этиди.

Мажаллада ишлаб юрганимда Жумабойга "Мажалланинг энг ўқишиши оиласи" сифатида оиласигини бошқаларга намуна қилишимиз керак, деганимда камтаринлик

## Хотира ўйғонса гўзалдир

билан оилавий суратга тushiшини рад қилганди. Унинг оила аъзолари – фарзандлари ва келинлари ҳам олий мәълумоти мутахассис. Турмуш ўрготи Фарогот Азимова ҳам тумандаги Олқортепа ҚБПДа шифокор бўлиб ишлади. Ўғил-қизлари ҳам олий мәълумоти, турли соҳаларда меҳнат қилишади.

Тажрибали шифокор Жумабой Умматов буғун орамизда бўлмаса-да, унинг эл-юрт олдиаги хизматларини танишлари, мажалладолари билимли, тўғрисиз ва қўли енгил шифокор сифатида доим ёдга олади. Биз уни факат эзгу амаллари билан бирга эсламиз, миннадорлик туйғуси билан ёд этамиз.

**Болбек ДАВУРОВ.**

## 31 минг гектар майдонда чигиртка тарқалиши мумкин



Биргина 2021 йилда чигиртка тарқалган 25 минг 155 гектар майдонга кимёвий ишлов беришга тўғри келган. Жорий йилда эса вилоят худуди 31 минг гектар майдонда чигиртка тарқалиши хавфи борлиги айтилмоқда ва албатта, бунга қарши курашиш чоралари ҳам белгиланган.

- Дунё бўйича чигиртканнинг 1800 дан ортиқ оиласи, 10 минга яқин тури аниқланган, – деди агентликнинг чигиртка ва тут парвонасига қарши курашиш бошқармаси бошлиги Баходир Ҳудойкулов. – МДҲ мамлакатларида эса бу ҳашаротнинг 500 дан ортиқ, Ўзбекистонда 200 та тури аниқланган бўйли, шулардан 10-12 та тури қишлоқ ҳўжалик экинлари ва яйлов ўсимликларига хавф тудиради. Агар чигирткалар ёпласига ёпирилса, юз гектарлаб майдонлардаги экинларни жуда оз муддатда кемириб, йўқ қилиди. Шунинг учун юртимизда бу оғатта қарши самарали курашиш чоралари кўрилмоқда.

## Маҳкум билан оила қуриш мумкини?

?  
даги маҳкум билан қонуний никоҳдан ўтиш мумкини? Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак?

**Б. ТОҒАЕВА,**  
Пахтакчи тумани.

- Мумкин, албатта. Маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахз жазони ўтш мусассасига давлат хизматларини кўрсатувчи ФХДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қилиши лозим. ФХДЁ бўлими аризани кўриб чиққач, у маҳкумга бериш



учун жазони ижро этиш мусассаси маъмуритага топширилади. Зарур тадбирлар бажарилгач, маҳкум билан никоҳни қайд этиш ФХДЁ бўлими билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш мусассаси маъмуритага томонидан ажратилган бинода никоҳга киривчи шахсларнинг ишироқида амала ошириллади ва маҳкум билан никоҳга киривчи шахсларнинг орғани томонидан никоҳ қайд этилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

**Саволга Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси масъул ходими Н.МИРМОҲАММЕДОВА** жавоб берди.

## Шифокор ҳомиладорларга тамаки чекишини маслаҳат берган...

## ТАМАКИГА ОИД ЕТТИТА АЯНЧЛИ ҲАҚИҚАТ

**F. РАВШАНОВ,**  
врач нарколог.

- Инсондаги ўпка раки 90 фоиз ҳолатда тамаки маҳсулотларини чекиш оқибатида келиб чиқади.
- Кашанда грипп ва бошқа юқумли касалликларга таъсиричанроқ бўлади.
- Бундан 100 йилча олдин айрим Ғарб давлатларидаги шифокорлар аёлларга ҳомиладорлик даврида семириб кетмаслик учун тамаки чекишини маслаҳат берган.
- Чекишини мустақил ташлашга иродаси етмаган ашаддий кашандаларнинг 95 фоизи миокард инфарктини бошдан кечириши билан ундан воз кечади.

- Чекишини ташлашагларнинг 60 фоизи бу жараён шу қадар осонлигини билганида аллақачон ташлаган бўлишини айтади.

- 1588 йилда англиялик тадқиқотчи Томас Харриет ҳар куни тамаки чекишини организмни умумий соғломлаштиришини тарғиб қилиб чиқди. Ағсуски, у тез орада бурун саратонидан вафот этди.

- Бугун дунёдаги кашандалар сони 1,1 миллиарддан ортди. Бир дақиқада 10 миллионлаб сигарета харид қилинади. Бу миллионлаб инсонларнинг ҳаётини ўтлаштиришида эканлигидан далолатdir.

мий ўтга таълим мактабидан) 1971 йилда Юсупов Кучикович номига берилган Б № 516420 рақами саккиз йиллик мъалумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Паст Дарғом туманинадан 2009 йилда Ахмедов Жасур Тўлқин ўғли номига берилган № 31371714 рақами туманинадан ўтга таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Паст Дарғом туманинадаги 20-ўтга мактабдан 1994 йилда Умаров Баҳтиёр Ахмедович номига берилган № 147471 рақами ўтга мъалумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги 8-ўтга мактабдан 1995 йилда Джунайдуллаев Улугбек Эркинович номига берилган № 124770 рақами ўтга мъалумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги 48-сони умумий ўтга таълим мактабидан 2008 йилда Муминов Машхур Шавкатович номига берилган № 3130572 рақами туманинадан ўтга таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги 8-ўтга мактабдан 1993 йилда Гусейнов Нурсат Ҳамидович номига берилган № 244781 рақами тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги 48-сони умумий ўтга таълим мактабидан 2009 йилда Ахмедов Жасур Тўлқин ўғли номига берилган № 31371714 рақами туманинадан ўтга таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги 29-ўтга мактабдан 1995 йилда Абкориев Джуракул Толивович номига берилган АО № 008839 рақами туманинадан ўтга таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Пайарик машини хизмати кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2010 йилда Ҳусанов Анвар Лутфуллаевич номига берилган рўйхат рақами 355, К № 1700672 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Самарқанд шаҳридаги «ELNUR MAROQAND» мастилияти чекланган жамиятнинг (СТИР: 308851644) думалок мурҳиба ва бурҷак тамғаси йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

Пайарик машини хизмати кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2020 йилда Тошмуратов Диёр Тўлқинович номига берилган рўйхат рақами 41, К № 5895303 рақами диплом ва унинг иловаси йўқолганилиги сабабли бекор килинади.

**MUASSIS:** Samarqand viloyati hokimligi

**Bosh muharrir:** Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshgarmasida 2012-yil 30-martda 09-10 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 22 064 nuxsiz chop etildi. Buyurtma 106. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2.

**QABULXONA:** (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

**BO'LIMLAR:** (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

**MANZILIMIZ:** 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta "Zarafshon" tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqtiga:

soat 18:30 da.